

**“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұғурта компанияси” акциядорлик  
жамияти корпоратив бошқарув  
КОДЕКСИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Корпоратив бошқарув кодекси (кейинги ўринларда – Кодекс деб юритилади) акциядорлик жамиятлари ўзининг ҳаққоний ва очик бизнес юритиш тарафдори эканлигини намоён қилган ҳолда ихтиёрий равища амал қилувчи тавсиялардан иборат.

2. Кодекс Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларига асосланган.

3. Мазкур Кодекс мақсадларида корпоратив бошқарув деганда, акциядорлик жамияти фаолиятини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш күвватларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорга экспорт қилиш мақсадида акциядорлик жамиятлари ижроия органи, кузатув кенгashi, акциядорлар, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, шу жумладан, кредиторлар ўртасида мазкур шахслар манфаати уйғунылигига эришиш тизими тушунилди.

4. Кодекс “Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұғурта компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият деб юритилади) бошқаруви органлари ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар мжамиятмуасидан иборат.

5. Кодекс ҳисобдорлик, очиклик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига олувчи ҳамда Жамиятни узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган.

6. Кодекс тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

7. Жамият Кодекс тавсияларини жорий этиш юзасидан ўзининг тармок хусусияти ҳамда фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ички корпоратив хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

8. Кодекс тавсияларига риоя қилиш мжамиятбуриятини олиш ва унга риоя этиш тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Жамиятнинг интернет тармоғидаги корпоратив веб-сайти (кейинги ўринларда – Жамият сайти деб юритилади) ва фонд биржаси сайтида, шунингдек, қонун хужжатларида ахборотларни ошкор қилиш назарда тутилган бошқа манбаларда амалга оширилади.

9. Кодекс тавсияларини жорий этишга тайёргарлик кўриш, уни жорий этиш ва мониторинг қилишдаги ҳаракатлар кетма-кетлиги 1-иловада келтирилган.

10. Жамият Кодекс тавсияларига риоя этиш мжамиятбуриятини олиши тўғрисидаги ахборотни 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ хабарни эълон қилиш йўли билан ошкор этади.

11. Кодекснинг муайян тавсияларига риоя этиш имкони мавжуд бўлмаганда, Жамият “*comply or explain*” (риоя қил ёки тушунтир) халқаро тамойилига риоя қилган ҳолда унинг сабабларини тўлиқ ошкор этади.

## **2-боб. Фаолият очиқлигини таъминлаш**

12. Фаолият очиқлигини таъминлаш мақсадида Жамият:

ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг аниқ мезонларини белгилайди;

ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг Жамият сайти ва конун хужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда инглиз, рус ва акциядор ҳамда бошқа манфаатдор томонларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга қулай бўлган бошқа тилларга таржимаси билан биргаликда эълон килинишини таъминлайди;

акциядорларнинг умумий йигилишида ижроия органининг мукофот ва компенсациялари миқдорини ошкор этади;

Жамият сайтида ижроия органи ва унинг фаолияти самарадорлиги баҳоси, акциядорлик капитали таркиби (20 фоиздан зиёд акцияга эга акциядорлари) тўғрисидаги маълумотларни эълон қиласи;

таксимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг Жамият дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунирилиши ва иқтисодий асосланишини эълон қиласи;

акциядорлар талабига кўра имкон қадар қиска муддат ичиде акциядорлар ва инвесторларга зарур бўлган муайян (махфий ва тижорат сири бўлган ахборотлардан ташқари) ахборотларни тақдим этади.

13. Ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида Жамият кузатув кенгаши ўз ичига куйидагиларни олган “Ахборот сиёсати тўғрисида низом”ни тасдиқлайди:

Жамият томонидан очиқ ахборотларни ошкор қилиш мақсад ва принциплари;

сайтда ошкор этилиши шарт бўлган ахборотлар рўйхати, уларни ошкор этиш муддати, тартиби ва шакли, шу жумладан, улар ошкор этиладиган ахборот каналлари;

Жамият тўғрисидаги ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни эълон килиш бўйича ижроия органининг мжамиятбуриятлари;

бошқарув органи аъзолари, мансабдор шахслар, Жамият ишчиларининг акциядорлар ва инвесторлар, бошқа манфаатдор шахслар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ахборот алмашинув тартиби;

Жамиятнинг ахборот сиёсатига амал қилишини назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар.

14. “Ахборот сиёсати тўғрисида низом” Жамият бошқарув ва назорат органлари ҳамда ходимлари томонидан риоя этилиши мжамиятбурий бўлган хужжат хисобланади.

### **3-боб. Самарали ички назорат механизмларини жорий қилиш**

15. Самарали ички назорат механизмларини жорий қилиш мақсадида Жамият:

кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда унинг таркибига мустакил аъзоларни киритиш талабларини акс эттиради;

кузатув кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш хуқукини факат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва конун хужжатларида белгиланган доирада, бу ҳакда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда беради;

акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан, ҳар йили мустакил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамият ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказади;

Жамият самарали ички назорат тизимини жорий қилишнинг асосий мақсадини барча акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни белгилайди;

ижроия органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустакил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш масаласини акциядорларнинг умумий йиғилишида мухокама қилинишини таъминлайди;

Жамиятнинг ички аудит хизматига ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга ошириш ваколатини беради;

Жамият таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўзининг вакилларини Жамият номидан овоз бериш тартибини белгилайди;

Жамият умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс хисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имконини беради;

Жамият ижро органидан мунтазам равишда жамият таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига

мувофиқ, бжамиятарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисобот талаб қиласди;

Жамият ички назорат органи (тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати)нинг кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши, миноритар акциядорлар қўмитаси (агар мавжуд бўлса) ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлади.

16. Жамиятда самарали ички назорат тизимини жорий қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши “Ички назорат тўғрисидаги низом”ни тасдиқлади. У куйидагилардан иборат бўлади:

Жамиятнинг ички назорат органи таркибига ҳамда унинг аъзолари малакасига талаблар;

ички назорат тизими тўғрисидаги ҳисобот таркиби ва уни шакллантириш регламенти;

Жамият ички назорат органи тизими самарадорлигини баҳолаш учун мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилиш тартиби;

Ички назорат органи ишини мониторинг қилиш механизмлари тавсифи, унинг аъзоларига тўланадиган компенсация ва мукофот пулларини ҳисоблаш тартиби.

17. “Ички назорат тўғрисидаги низом” Жамият ходимлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари учун риоя этилиши мжамиятбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади.

18. Жамият “Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом” талабларига мувофиқ, кузатув кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритади.

19. Куйидагилар Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин:

(I) сўнгги беш йил мобайнида Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналарида ишламаган шахслар;

(II) Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари акциядори бўлмаган шахслар;

(III) Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари билан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг баравари миқдоридан юқори суммага тегишли шартномага эга бўлган йирик мижозлари ёки мол етказиб берувчилари билан боғлиқ бўлмаган шахслар;

(IV) Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари билан хизмат кўрсатиш юзасидан шартномага эга бўлмаган шахслар;

(V) Жамият, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари раҳбарлари бўлган ёки сўнгги беш йил мобайнида шундай лавозимларда ишлаган шахснинг оила аъзоси бўлмаган шахслар;

(VI) Жамиятни назорат қилувчи шахс (ёки Жамият устидан жамоа тарзида назорат олиб борувчи гурух ва (ёки) ташкилот аъзоси) бўлмаган шахслар;

(VII) Жамият билан фуқаролик-хукуқий шартнома орқали боғлиқ бўлмаган ва Жамиятнинг соҳаси бўйича юқори турувчи ташкилоти (компания) ёки йирик акциядорининг ходими бўлмаган шахслар.

#### **4-боб. Акциядорларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлаш**

20. Акциядорларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлаш учун Жамият бошқарув ва назорат органлари:

Жамият сайтида ёзма ва электрон сўровларни, шу жумладан, акциядорлар ўз алоқа маълумотлари ва банк реквизитларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни юбориши учун манзил кўрсатган ҳолда акциядорларга Жамият билан боғланишни енгиллаштиради;

акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон ракамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш имонияти ва шароитини яратади;

Жамиятнинг дивидендларни ҳисоблашнинг шаффоф механизмини очиб берувчи дивиденд сиёсати тўғрисидаги низомини ишлаб чиқади;

акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низомда умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар акциядорларга кун тартиби, шу жумладан, кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни тақдим этишни назарда тутади;

саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бжамиятириш учун мустақил экспертларни жалб этиши мумкин (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси);

акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик учун масъул ходим ёки бўлинмани белгилайди;

уставда Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларига кузатув кенгаши мжамиятлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш хукуқини тақдим этади;

Жамиятнинг алоҳида ички хужжатида акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар учун овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш имконини назарда тутади;

Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини таъминлаш харжамиятатини қоплайди (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда);

уставда миноритар акциядор хужжатларни асоссиз равища талаб қилиш ва маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслигини назарда тутади;

уставда қўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар устав капиталидаги улусига пропорционал равища имтиёзли сотиб олиш хуқуки назарда тутилади;

барча акциядорларга, уларнинг улуси, даромад даржамиятаси, жинси, ирки, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабатни таъминлайди;

уставда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби учун таклифларни тақдим этишнинг кечроқ муддатини кўзда тутади;

ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, аудиторлик ташкилоти вакилининг акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этишини таъминлайди;

кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бжамиятиришдан озод этилиши шартларини, Жамият кузатув кенгаши раисининг йиғилишни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлик фаолияти тартиби ва функциясини назарда тутади;

Жамият акциядорларининг хукуқ ва конуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган бошқа зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

21. Жамият акциядорларининг хукуқ ва конуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлаш учун Жамият юқорида қайд этилган тавсияларни акс эттирувчи зарур ички хужжатларни қабул қиласди.

## **5-боб. Узок муддатли истиқболга мўлжалланган ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилаш**

22. Узок муддатли истиқболга оид ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилаш учун Жамият бошқарув органи:

Жамиятнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот ракобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилайди;

акциядорларнинг умумий йиғилишида тармоқ хусусиятининг ўзига хослиги, ракобат муҳити таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ ва худудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиқсан ҳолда Жамиятнинг 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун узок муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

хорижий тжамияттрибада муваффакиятли синовдан ўтган бошқарув услуглари, шу жумладан, SWOT, GAP таҳлил ва бошқа ёндашувлар, махсус дастурый маҳсулотлар ва бошқаларни кенг кўллади;

акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узок муддатли стратегия асосида кисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режалар ишлаб чиқади ҳамда акциядорларнинг умумий йигилиши ёки кузатув кенгашига тасдиқлаш (маъқуллаш) учун киритади;

Жамиятда қабул қилинган ҳар бир ривожланиш режаси бўйича белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган сон ва сифат мезонларини жорий этади.

23. Кузатув кенгаши ижроия органи, Жамият ички назорат органи, Жамиятда ташкил этилган коллегиал органлар фаолиятини мувофикаштиради, зарур бўлганда, Жамият ривожланиш режасини ишлаб чиқиши ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун эксперталарни жалб этади.

24. Жамият мажбурий равишда акциядорлари таркибига (қонун хужжатлари белгиланган ҳолатлардан ташқари) Жамиятни бошқариш, ракобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорга экспорт қилишда иштирок этувчи стратегик хорижий инвесторларни жалб қиласди.

## **6-боб. Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро самарали ҳамкорлигининг механизмларини жорий этиш**

25. Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмини жорий этиш учун Жамият бошқарув органлари:

Жамият акциядорлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди;

Жамият мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонун хужжатлари, Жамият устави ва бошқарув органи қарорларидан келиб чикувчи барча мжамиятбуриятларни вижданан ва оқилона бжамиятириши тўғрисидаги талабларни жорий этади;

кузатув кенгаши аъзолиги учун номзодларга малака талаблари, шу жумладан, устав капиталида давлат улуши бўлган Жамиятда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака аттестати мавжудлиги талабларини белгилайди (қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари);

Жамият кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниклаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гурухлари) ташкил этади;

кузатув кенгаши йиғилишларини сўров ўтказиш йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш ҳолатлари ва тартибини белгилайди;

акциядорлар умумий йиғилиши раиси ваколатига акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш масаласини киритади;

кузатув кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши, Жамият устави ва ривожланиш режаси томонидан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бжамиятирилиши учун ижроия органи ваколатига кирувчи масалаларни у томонидан мустақил хал этиш талабини жорий этади;

Жамият мансабдор шахсларининг малакасини ўкув курслари, семинарлар ва бошка тадбирларда иштирок этиш орқали оширади;

Жамият фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга масъул бўлган ва кузатув кенгашига ҳисобот берувчи корпоратив маслаҳатчи лавозимини жорий этади;

Жамият бизнес хатарлари ва ижроия органлари жавобгарлигини суғурталайди;

кузатув кенгаши аъзоларининг мукофот пули микдорини Жамият молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари билан боғлайди;

акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маъruzалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилайди;

акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакилларининг ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш хукуқини чеклаши мумкин;

уставда одатда Жамият навбатдаги акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санасини назарда тутади.

26. Ижроия органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро самарали ҳамкорлиги механизмларини жорий этиш учун Жамият юқорида қайд қилинган тавсияларни акс эттирувчи зарур ички хужжатларни қабул қиласди.

## **7-боб. Манфаатлар қарама-қаршилиги**

27. Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазиятлар юзага келишининг олдини олиш ва низоли вазиятларни бартараф этиш учун Жамият ўз ичига қуйидагиларни олувчи манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат килиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чикади:

Жамият мансабдор шахсларининг Жамият манфаатини кўзлаб фаолият юритиш мжамиятбурияти;

Жамият мансабдор шахслари томонидан ҳаракат ва битим амалга оширилганда ёки улар томонидан ахборот ошкор қилинганда манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

Жамият мансабдор шахсларининг кузатув кенгашини манфаатлар қарама-каршилиги юзага келиши тўғрисида хабардор қилиш мжамиятбурияти;

кузатув кенгашининг рухсатисиз Жамият мансабдор шахсларининг бошка юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишини тақиқлаш;

Жамият мансабдор шахслари томонидан ҳаракат ва битим амалга оширилганда ёки улар томонидан ахборот ошкор қилинганда манфаатлар қарама-каршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш;

манфаатлар қарама-каршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни ҳал этишнинг, шу жумладан, уларни ҳал этиш учун манфаатдор бўлмаган учинчи шахсни тайинлаш ёки манфаатлар қарама-каршилигини ҳал қилиш бўйича ваколатни кузатув кенгашининг мустақил аъзоси (аъзолари)га юклашнинг батафсил регламенти.

28. Манфаатлар қарама-каршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

## **8-боб. Намунавий ташкилий тузилмани жорий этиш**

29. Намунавий ташкилий тузилмани жорий этиш учун Жамиятда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармонида тасдиқланган намунавий ташкилий тузилмага мувофиқлик таъминланади;

ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш ва жорий этишда Жамият фаолиятининг миқёси, тармоқ хусусияти ва йўналиши ҳисобга олинади;

Жамиятнинг амалдаги ташкилий тузилмаси қонун ҳужжатларида белгиланган намунавий ташкилий тузилмага мувофиқлигининг мунтазам баҳоланиши ташкил этилади;

Жамиятнинг бошқарув лавозимларига хорижий менежерлар номзодларининг иштирок этишига имкон яратилган ҳолда ҳар йили танловлар ўтказилади;

раҳбар лавозимларга танловлар регламенти тасдиқланиб, унда танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилади.

30. Кузатув кенгаши ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

## **9-боб. Ахборотларни аудит ва молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилиш**

31. Ахборотларни аудит ва молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилиш учун Жамиятда:

кузатув кенгаши йиллик молиявий ҳисботларни Халқаро молиявий ҳисбот стандартлариға (кейинги ўринларда – ХМҲС деб юритилади) мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштиради;

Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисботларни ХМҲСга мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш масалалари бўйича тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, кузатув кенгаши аъзолари, Жамиятнинг масъул мансабдор шахслари ва жалб этилган эксперталар (зарур ҳолларда)дан иборат ишчи гурухи тузилади;

йиллик молиявий ҳисботларни ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилишга ўтишда малакали хизмат кўрсатиш учун аудиторлик ёки консалтинг ташкилоти жалб этилади;

аудиторлик ташкилоти билан ҳамкорликда Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисботларни ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилишга ўтишнинг босқичли алгоритми (тадбирлар режаси) ишлаб чиқилади ва кузатув кенгашининг йигилишида тасдиқланади;

аудит ўтказиш ва молиявий ҳисботларни тузишга жалб этилган Жамият ходимлари ХМҲС ва аудитнинг халқаро стандартлари бўйича ўқув курсларида ўқитилади;

Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисботларни ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартлариға мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича тегишли режада кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилади;

Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисботлари ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартлариға мувофиқ тарзда қонун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилинади.

## **10-боб. Кодекс тавсияларини жорий этиш мониторинги**

32. Кодекс тавсияларини жорий этиш мониторингини амалга ошириш учун Жамият корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказади, бу ишни амалга ошириш учун мустақил ташкилотни жалб қилиш тавсия этилади.

33. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш йилига камидан бир марта ўтказилади.

34. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш ЖАМИЯТга мулкий муносабат орқали боғлиқ бўлмаган ташкилот билан тегишли шартнома асосида амалга оширилади.

35. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни куйидаги ташкилотлар ўтказиши мумкин:

фонд биржаси;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;  
 штатида тегишли корпоратив бошқарувчи ёки қимматли қоғозлар бозори мутахассиси аттестати бўлган аудиторлик ташкилотлари;  
 аккредитациядан ўтган рейтинг агентликлари;  
 Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази;  
 Хусусийлаштириш, рақобатни ва корпоратив бошқарувни ривожлантириш муаммолари тадқиқотлари маркази.

36. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш Жамият кузатув кенгашининг карори бўйича танлов асосида ўтказилади.

37. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланадиган саволнома асосида ўтказилади.

38. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари Жамият сайтида шундай баҳолашни ўтказган ташкилот хуносаси билан биргаликда эълон қилинади.

39. Давлат номидан акциядор сифатида иштирок этувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимликлари ва бошқа давлат ташкилотлари:

Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни ўтказиш учун ўз маблаги ҳисобидан мустақил ташкилотни жалб қилиш хуқуқига эга;

Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини Жамият бошқарув органида улар номидан иштирок этаётган шахсларни мукофотлаш микдорини аниқлаш учун қўллади.

## **11-боб. Якуний қоидалар**

40. Кодекс тавсияларига риоя қилмаслик давлат органлари томонидан чора қўлланишга олиб келмайди.

41. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият мансабдор шахсларига Кодекс тавсияларига риоя этмаганлик ёки Кодексда назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатишга ҳақли.

42. Жамиятда Кодекс тавсияларини жорий этиш юзасидан назорат қилишни кузатув кенгаши амалга оширади.

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сұгурта компанияси” акциядорлик жамияти  
Корпоратив бошқарув кодексига  
1-илова

## Акциядорлик жамиятларига Корпоратив бошқарув кодексини тайёрлаш ва жорий этиш бўйича тавсия этиладиган чора-тадбирлар

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бжамиятариш муддатлари
1-босқич  <b>Тайёргарлик</b>	Жамият ижроия органи	1. Корпоратив бошқарув кодексини жорий этишга тайёргарлик кўриш бўйича ишчи гурухини ташкил этиш.	Корпоратив бошқарув кодексини қабул килгандан кейин бир ой мобайнида
	Жамият ижроия органи	2. Ички хужжатларни қабул килиш юзасидан кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш.	Ишчи гурухи ташкил этилгандан сўнг икки ой мобайнида
	Жамият кузатув кенгаши	3. Ишлаб чиқилган ички хужжатларнинг кузатув кенгаши томонидан маъкулланиши.	Материалларнинг кузатув кенгашига тақдим этилган санасидан бошлаб бир ой мобайнида
2-босқич  <b>Жорий этиш</b>	Жамият кузатув кенгаши	1. Акциядорларнинг умумий йигилишига корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя килиш масаласини киритиш ва хабар бериш шаклини тасдиқлаш	Кузатув кенгаши томонидан маъкуллангандан кейин бир ой мобайнида
	Жамият кузатув кенгаши	2. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя килиш ва хабар бериш шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги карорнинг акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланиши.	Кузатув кенгаши томонидан чақирилган акциядорларнинг тегишли умумий йигилишида
	Жамият ижроия органи	3. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланган Жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя килиш тўғрисидаги хабарни эълон килиш.	Акциядорларнинг умумий йигилишида тасдиқлангандан кейин 10 кун муддат ичидан
3-босқич  <b>Мониторинг</b>	Жамият ижроия органи	1. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустакил ташкилотни танлаш учун конкурс ўтказиш.	корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказишдан бир ой аввал

	Мустакил ташкилот	2. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустакил баҳолашни ўтказиш ва уларнинг натижаларини кузатув кенгашига тақдим этиш	Бир йилда камидан бир марта
	Жамият кузатув кенгаши	3. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустакил баҳолаш натижаларини Жамият кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш.	Кузатув кенгашининг йил якунлари бўйича ўтказиладиган йиғилишида
	Жамият ижроия органи	4. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустакил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф килиш бўйича чоралар кўриш.	Кузатув кенгаши карорида белгиланган муддатларда
	Жамият кузатув кенгаши	5. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустакил баҳолаш натижаларини Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқиш.	Конунчиликда белгиланган муддатларда

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт сугурта  
компанияси” акциядорлик жамияти  
Корпоратив бошқарув кодексига  
2-илова

**Акциядорлик жамиятлари томонидан Корпоратив бошқарув кодекси  
тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганилиги тўғрисида**  
**ХАБАР БЕРИШ ШАКЛИ**

(акциядорлик жамияти номи)

“\_\_\_\_\_” Жамият шуни маълум киладики, акциядорлар умумий  
йиғилишининг “\_\_\_\_\_” 20\_\_ йилдаги №\_\_\_\_ қарори билан жамият  
томонидан “\_\_\_\_\_” 20\_\_ йилдан бошлаб Акциядорлик жамиятлари  
фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини  
такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг “\_\_\_\_\_” 201\_\_ йил  
№\_\_\_\_\_ баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига  
риоя қилиш мжамиятбурияти қабул қилинди.

(Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан қўшимча маълумот)

### **МАЪЛУМОТ**

Барча акциядорлик жамиятларида Корпоратив бошқарув кодексининг  
коидалари ва тамоиллари устидан назорат Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2015 йил 31 марта ПҚ-2327-сон қарори билан ташкил  
этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва  
корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан йил  
давомида амалга оширилади ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолияти  
самарадорлигини баҳолаш бўйича комплекс таҳлил ва аниқ таклифлар ҳар бир  
молиявий йил якунлари юзасидан Вазирлар Маҳкамаси йиғилишлари  
муҳокамасига киритилади.

Всего прошито, пронумеровано  
и скреплено печатью \_\_\_\_\_

Листа(ов)

Подпись

ИМ

